

ДОВЛАБ ЎСТИРСАНГ — ЭР БЎЛАР

Д.Юлдашева, ФарДУ доценти

Болалар тарбияси мураккаб жараён. Бу жараёнда қўлланадиган минг бир замонавий, қадимий усул-воситалар бор. Айниқса «гуҳардан ҳам шарифроқ» сўзнинг куч-қудрати мислсиз. Бироқ сўзнинг сўздан фарқи бор. Масалан, фарзандимиз руҳиятини юксакка кўтарувчи эркалатмалардан санаб бера оламизми? Қайси ширин сўзимиздан боламизнинг танаси яйраб кетади, юз-чеҳраси очилади, қайси биридан энсаси қотгандай бўлади? Эркалатсанг, эр бўлади, дейишади-ку, ахир. Беш яшар қизалоғим менга:

— Ая, мени попон денг, попоним, мочоним, деб эркалатинг, — деди. Ўйланиб қолдим, сўз танлашни, товушнинг сеҳрини билади-я, шу болам. Иссиқ чойни "папа" деб уқтирдим, ўзимга керакли, болам синдиришидан қўрққан биллур идишни яна "папа" дедим. Қизалоғим, яхшининг илиқ, иссиқ билан боғлиқлигини сизди. Мен сизнинг попонингиз, қайноқ нафас, яхшилардан яхшингиз, меҳрингизга зорингиз, дейди-я. Боламга эртак ўқийман.

Бир "Кампир ва ўғил" эртагида она тилаб-тилаб олган фарзандини, кўзимнинг нури, белимнинг мадори, оёғимнинг қуввати, ширин сўзим, кўрар кўзим, юрар йўлим, ўлтирар ўрним, деб ардоқлар экан. Эртақлар-ни уч оғайни ботирларга улайман.

Отаси бир куни нуридийдаларини олдиға чақириб, ҳар бирининг пешонасидан силаб бундай дебди: - Ўғилларим, мен бой эмасман, мендан қолган нарсасизнинг турмушингиз учун етмайди, эндиликда мендан бир нима умид қилиб ўтирманглар. Ўлганимдан кейин бахтсиз бўлиб қолманглар, деб аввало сизларни ўқитдим, боқдим, вояға етказдим, қувватли бўлдингизлар.

Эртақлар ичра оввораман, фикрлар мунчоғини тергандай, сўзлар маҳносини уққандай бўламан: шер юрак, арслон билак, лочиним, бургутим, деб боласини кўрқмас, элда эломон қиламан, халққа қайиштираман деган ота-она шерға, йўлбарсға менгзайди-да, боласини. Бошиға урдинг бегонаға, елкасига қокдинг - ўзингға бўлди, дейди қадимгилар. Пешонаси ёруғ бўлсин, боши тошдан бўлсин, қадри чўкмасин деб, фарзандларимизнинг дўқ-пўписаларимиздан эгилиб бораётган елкаларини силаб қўййлик гоҳида. Соатлаб ойнаи жаҳонға термулиб, умримизни ўтказмасдан кўзимизнинг оқу қорасини, айланаман шу ойимдан, қалдирғоч қош қанотимдан, ҳамиша мен хурсандман шуни берган худойимдан, дея миттигина жуссасини бағримизға босайлик.

Чопинганим бўридай,

Бўриларнинг зўридай.

Йигит бўлар чирогим

Ўзи эрнинг эридай, деб суянчиғимиз ўғлимизни алқаб қўййлик. Яйраб, яшнатиб, қўли арслон билакчилигимизни, ботир қоплон юракчилигимизни яхши-ёмон кунимизда суянгувчи тоғимизни йиғлаб қол-са, "ўчир" дея қутилмасдан, шу ўғлимға не бўлибди? Кўзларига ёш тўлиб-ди, деб овутайлик.

Йиғлама жоним, йиғлама чаққа чақиб бераман,

Қурбақанинг оёғига попук тақиб бераман,

деб боламиз олдида нуктадонлигимизни, тилимизнинг сеҳру жодусини намоиш этайлик.

Кечалари бошимиз ёстикка тегиши билан кимга нима дейман, кўнглимиздан узоқ кўнгилдошларимизни сўзимга эритаман, бир нарса ундираман, деб ният қилиб, жигаргўшаларимизга алла-ю эртақ айтишни унутмайлик! Боқчага судраб «жим бўл!» деявермай, жумбоқларда фикрлатайлик:

Кундузи кўринмади, кечаси кўринди, бири катта, бири

кичик туғилгандир бешта кучук, деб ҳар куни битта топишмоқ билан олам идрокига йўллайлик.

Фарзандимиз 9 ойлик бўлганда ташқи муҳитга мослашиб боради. Жуссаси, танаси ўсади, бошини ушлайдиган, гўнғиллаб товуш чиқарадиган, онасига, яқинларига интиладиган бўлади. Бу даврда улар билан мулоқотга киришиш, алла айтиб овутиш, меҳр риштасини сўз билан боғлашимиз зарур. Боламиз тилга кирганда, гапга ўргатайлик. Унинг юзини ювганда:

Хувва хув, ариқда сув, бетингни юв! Хувва хув, мушук нарвонда, товук айвонда Хувва хув, хувва хув, бешиктерватди, тебраниб кетди. Бетингни юв!

деб сўзларга меҳрини уйғотайлик.

Ёки тирноқларини олганда: "Бошмалдоқ, қорамалдоқ, ўрта терак, ҳожимерак, кичкина бўбак" деб овутсак, руҳи тетиклашиб, жону тани ором олади.

Бу нима? Нимага? Нима учун? деб савол бераётган бийронимизга, Боши тароқ, думи ўроқ, буни топинг, жон қизалоқ десак, хўрознинг тожи нега тароқ, думи ўроқлигини кўрсатиб тушунтирсак, эртақлар айтиб улғайтирсак, 6-7 ёшида бийрон, нуктадон, теша тегмаган гаплар билан устозини лол қолдирадиган зукко шогирд тарбиялаб қўйсак, ажаб эмас.

Дунёни сўз ўрабди, ширин сўздан гул унибди, чехрамиздан қуёш чарақлаб, олам нурга тўлибди. Шер юракли, алп қоматли, мард баҳодирлар болаликдан кўркмай, руҳи синмай, сазаси ўлмай улғайган болакайлардан чиқибди.

Айёрликни ақллилик деб билганларнинг мардликка, жасурликка хуши йўқдир, бироқ эртанги кунимизни, миллатимиз тақдирини қадри осмон, ғайрати дунёча, шижоатида ўзбекнинг руҳи уфурган, оёғидан ўт чакнаган, кўзларида меҳр тобланган фарзандларга ишонамиз.